

ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ

Ижтимоий-сиёсий газета

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЎЗБЕКИСТОН

№ 158 (1484), 2025 йил 5 август, сешанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



ДЎСТЛИК, ЎЗАРО ИШОНЧ ВА УМУМИЙ МАНФААТЛАРГА АСОСЛАНГАН КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг таклифига биноан 4 август куни амалий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.



Туркманбоши шаҳри аэропортида давлатимиз раҳбарини Туркман халқининг миллий етакчиси, Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов кутиб олди.

Президент Шавкат Мирзиёев Туркманбоши шаҳрига келгач, Гурбангули Бердимухамедов билан учрашув ўтказди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Гурбангули Бердимухамедовни БМТнинг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференцияси юксак савияда ўтказилаётгани билан самимий қўллади, унинг кун тартибига киритилган масалалар минтақамизнинг барқарор тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Жорий йил апрель ойида Самарқанд шаҳрида ўтган учрашувда эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Туркменистон яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Дўстлик, ўзаро ишонч ва умумий манфаатларни ҳисобга олиш тамойилларига

асосланган кўп қиррали ҳамкорлик сўра-ти ортиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Барча даражаларда самарали ва фаол мулоқотлар давом этмоқда. Йил бошидан буён товар айирбошлаш 600 миллион долларни ташкил этди. Саноат, энергетика, транспорт, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида кооперация чуқурлашиб бормоқда.

Биргаликда “Шовот — Тошовуз” чегараолди савдо зонаси ташкил этилмоқда, фаол ҳудудлараро алоқалар ва гуманитар алмашинувлар давом эттирилмоқда.

Бўлажак олий даражадаги учрашувларга тайёргарлик доирасида ҳукуматлараро комиссиялар йиғилишлари, Ишбилармонлар кенгаши, Ҳудудлар форуми, қатор маданий тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, БМТ конференцияси кун тартиби ҳамда жорий йил кузда Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон етакчиси 5 август куни БМТнинг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференциясида, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувига тайёргарлик кўриш масалаларига бағишланган махсус тадбирда иштирок этади ҳамда қатор икки томонлама музокаралар ўтказиши.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛАР БИЛАН БИРГАЛИКДА КЕЛАЖАККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН БАРҚАРОР ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРАДИ



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 5 август куни Туркменистоннинг “Аваза” туристик зонасида БМТнинг денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича бўлиб ўтадиган III конференциясида иштирок этади.

III конференция БМТ котибияти томонидан Туркменистон ҳукумати билан биргаликда ташкил этиляпти.

Конференцияда давлат ва ҳукумат раҳбарлари, 100 дан ортиқ юқори даражадаги делегация, жумладан, 32 та ривожланаётган мамлакат вакиллари, шунингдек, БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш иштирок этиши кўтилмоқда.

Конференция доирасида сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар тадбирлар, жумладан, Марказий Осиё давлатларининг миллий куллари, маданияти, санъати ва миллий таомлари намойиш этилади. Шунингдек, минтақа давлатларининг миллий ютуқлари, сармоявий ва инфратузилма лойиҳалари, технологик ечимлари бағишланган кўргазма бўлиб ўтади.

Денгизга чиқиш имконияти бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар гуруҳига БМТга

аъзо 32 та давлат қиради. МДҲ давлатлари орасида Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон унинг иштирокчиларидир. Гуруҳнинг асосий вазифалари аъзо мамлакатларнинг жамоавий иқтисодий манфаатларини ривожлантириш ва илгари суриш, глобал миқёсда келишилган мақсад ва ҳаракат дастурларини самарали амалга ошириш, БМТ, Жаҳон савдо ташкилоти ва бошқа кўп томонлама форумлар доирасида асосий халқаро иқтисодий масалалар бўйича уларнинг умумий позициясини мустаҳкамлашдан иборат.

Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича халқаро конференция муҳим қарорлар қабул қилишнинг асосий платформаси бўлиб, у ҳар ўн йилда бир марта ўтказилади.

Давоми 2-бетда



Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

Сўнгги йиллардаги изчил ислохотлар туфайли мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Айниқса, инсон манфаатларини тўлақонли таъминлашга қаратилган оқилона сиёсат натижасида “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак” деган эзгу ғоя амалда ўз тасдиғини топяпти.

ИЖРО ИНТИЗОМИ — ИСЛОХОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, раҳбарлар пастга тушиб, одамлар билан бевосита мулоқот қилаётгани, уларни қийнаётган муаммо ва жойлардаги камчиликларни бартараф этишга интилаётгани диққатга сазовор. Бу давлат ва халқ ўртасида илгари мавжуд бўлган ўзига хос тўсиқлар йўқолиб, очиқлик, шаффофлик, ошкоралик тобора ҳаётимизга сингиб

бораётганидан далолат. Зотан, халққа яқинлашиш иш самарадорлигини ошириши баробарида масъулиятни, белгиланган ҳар бир тошриқ ва чиқарилаётган ҳужжатлар ижросини таъминлашга хизмат қилади.

Давоми 3-бетда



Инсон қадри учун

ДАВЛАТ ХАЛҚҚА ҚЎЛ УЗАТСА, ХАЛҚ УНГА ЮРАК ОЧАДИ

Баъзан ҳаётда содда, лекин айтиб бўлмайдиган ҳолатлар бўлади — инсон қалбиде севинч тўлиб-тошади, бироқ уни ифода этиш учун сўз етишмайди. Бугунги Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришлар айнан шундай ҳолатдир. Булар ҳақида кўп гапириш, тасвирлаш мумкин, лекин тўлиқ ҳис этиш учун шу юртда яшаш, шу ўзгаришлар ичида нафас олиш керак.

Янги йўллар, нурли кўчалар, замонавий боғча ва мактаблар, яшаш учун қўлай уйлар... Бу оддий манзара эмас, юртимизда сиёсий ирода, қатъий қарорлар ва халқ манфаатига хизмат йўлида кечаётган ислохотларнинг ҳаётдаги ифодасидир. Бу ватан туйғусини қайта уйғотган, фуқаро-давлат муносабатларини янгиланган, халқни қадрлашни давлат

сиёсатининг асосига айлантирган ташаббус, ислохот натижасидир.

Бугун шунчаки ислохот эмас, балки янги тафаккур, янги давлат бошқаруви, янги жавобгарлик маданияти шаклланмоқда. Бу жараёнларда Президентимизнинг ташаббуси, шахсий иштироки, қўллови ва масъулиятини эътироф этмаслик адолатсизлик бўлади. Зеро, ҳар бир фаровон маҳалла, ҳар бир нурли кўча ва ҳар бир қўлай хонадон ортида халқ қалбини эшитган, унга ечим излаган раҳбар шахсининг саъй-ҳаракати мужассам.

Бошига тушган ташвишдан хомуш, идора эшигини қимтиниб тақиллатган инсон муаммоси ечим топгач, юзига табассум югурди. Унинг сўзсиз ташаккури, кўнгилдаги энгиллик халққа яқинлашган давлатнинг энг аниқ кўринишидир. Мен доим айтаман: давлат халққа қўл узатса, халқ унга юрак очади.

Давоми 2-бетда

Таҳлил



ЗАМИН ВА СУВ ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ ТАҚДИРИНИ ҲАЛ ҚИЛАДИ

Яқин йилларга қадар “илик узилди” маҳал бозорларимизда мева-сабзавот анча тортилиб қоларди. Камида йигирма кун-бир ой бозор расталари бўшаб, қимматчилик бошланарди. Бундай пайтда олма, шафтоли, помидору бодринг камёб маҳсулотга айланарди. Бозор-ўчар қилганда гоҳида бундай маҳсулотларни сотиб олишга қўлимиз калталиқ қилгани ҳам бор гап. Бу ҳолат, айниқса, чекка ҳудудларда жуда сезиларди. Кўпчиликнинг дастурхони “камбағаллашарди”. Қолаверса, баҳорда сотиб олинган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг маза-матраси бўлмасди.



Давоми 4-бетда



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛАР БИЛАН БИРГАЛИКДА КЕЛАЖАККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН БАРҚАРОР ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРАДИ

Бошланиши 1-бетда

БМТ Бош Ассамблеясининг 57/242-резолюциясига мувофиқ, 2003 йилнинг 28-29 август кунлари Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича биринчи халқаро конференция чакрилди. Ушбу йиғилиш олдида ҳукуматлараро тайёрлов кўмитасининг иккита очик мажлиси бўлиб ўтди.

Анжуман яқунлари бўйича самарали транзит транспорт тизимларини яратиш, маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш ва чегара назорати тартиб-қоидаларини соддалаштириш бўйича глобал асосни шакллантиришга қаратилган Олмаота ҳаракатлар дастури қабул қилинди.

2014 йил 3-5 ноябрь кунлари Австриянинг Вена шаҳрида БМТнинг денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича II конференцияси бўлиб ўтди. Тадбирнинг асосий натижаси 2014-2024 йилларга мўлжалланган Вена ҳаракат дастурининг қабул қилиниши бўлди. Дастур денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатларнинг тараққиёт ва камбағалликка қарши курашиш бўйича муаммоларини ҳал қилишга оид чора-тадбирларни назарда тутди.

Ўзбекистон юқоридида қайд этилган ҳужжатлар доирасида муайян муаммоларни ҳал қилишга қаратилган халқаро сазй-ҳаракатларда фаол иштирок этмоқда. Хусусан, барқарор транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш, савдо йўналишларини диверсификация қилиш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар изчил амалга ошириляпти. Улар БМТнинг Барқарор ривожланиш макссадларига эришиш билан бевосита боғлиқ бўлган миллий тараққиёт стратегиясининг асосий йўналишларидан бирига айланди.

2022 йилда БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон ташаббуси билан 40 та давлат билан ҳаммуаллифликда қабул қилинган Марказий ва Жанубий Осиё ўрта-сидаги алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича махсус резолюцияни бир овоздан маъқуллади.

“Дунё” АА

Инсон қадри учун

ДАВЛАТ ХАЛҚҚА ҚЎЛ УЗАТСА, ХАЛҚ УНГА ЮРАК ОЧАДИ



Манзура ВАЛИЕВА, Шайхонтоҳур туманидаги “Янгиобод” МФЙ раиси, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби

Бошланиши 1-бетда

Аваллари маҳалла идораси ходимлари фақат ахборот етказувчи эди. Тадбиркорлик бошлаган учун ҳужжат юритиш, кредит масаласида



тавсиянома олиб банкларга югуриш, солиқ ёки ҳокимлик идоралари олдида сарғайиб ўтириш оддий ҳол эди. Кўпинча музрожатлар айланма йўллар билан ечимсиз қолар, фуқаро эса “Ҳолимни тушунадиган тизим борми?” деган савол жавобсиз эди.

Бугун манзара тубдан ўзгарди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий этилган “маҳалла еттиллиги” — маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқчи бир жамоа бўлиб, халқ муаммосини маҳалланинг ўзида ҳал этиш тизими йўлга қўйилди. Энди жойлардаги кўплаб масалалар идоралараро югур-югурсиз, тезкор ва самарали ҳал бўлмоқда.

Мазкур тизимнинг самарасини расмий рақамлар ҳам тасдиқлайди. Ўтган йилда 4901 та маҳалла жиноятчиликдан, 2930 таси оилавий ажралишдан, 1795 та маҳалла ишсизликдан холи ҳудудга айланди. Маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли музрожатларининг 80 фоиздан зиёди жойида ҳал этилди. Масалан, Шайхонтоҳур туманидаги “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳам 2025 йилда “яшил тоифа”га киритилди, яъни маҳалламизда жиноят, оилавий ажралишлар қайд этилмади.

Бундан ташқари, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида аҳолининг эҳтиёжманд қатламни қўллаб-қувватлаш, ишсизликни камайтириш, фуқароларни касб-хунарга йўналтириш бўйича самарали тизим яратилиб, бугунги кунда у бутун мамлакат бўйлаб

амалиётда ўзини оқламоқда. Бу жараёнда маҳаллалар муҳим таянч нуқтага айланиб, фақат муаммо маълум қилинадиган эмас, балки ечим топиладиган масканга айланди.

Фақатгина 2024 йилда маҳалла тизими кўмағида 754 мингдан ортиқ ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди. 194 мингга яқин фуқаро тадбиркорлик фаолиятини бошлади, 472 мингдан зиёд инсонга имтиёзли кредит, 48,2 минг фуқарога эса субсидия ажратилди. Янада муҳим жиҳати — 165 минг 729 киши, жумладан, 69,6 минг хотин-қиз ва 96,1 минг ёш касб-хунарга тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилиб, ҳаётда мустақил йўлини топди.

Кўлами кенг бўлишнинг ҳар бири ортида аниқ режа, қатъий сиёсий ирода ва инсон манфаатларини устувор қўйган ислохотлар музасам. Бу рақамлар шунчаки статистика эмас, улар ортида фаровонликка юз тутган минглар оилалар, фаровон ҳаёт сари одимлаётган юртдошларимиз тақдирини ётади.

Янгиобод маҳалласида ҳам “маҳалла еттиллиги” тизими орқали кўплаб ижтимоий муаммоларга амалий ечим топилди. Масалан, кам даромадли ва эҳтиёжманд оилаларнинг 30 азёсига имтиёзли кредит олишда кўмаклашилди. Бу орқали улар шахсий бизнесини бошлаш, томорқасини кенгайтириш ёки янгича тирикчилик қилиш имконига эга бўлди.

Шунингдек, 14 нафар ёш қўшимча касб-хунарга эгallaши учун ўқув курсларига йўналтирилди. Уларнинг базилари хунарамандликни, базилари эса IT йўналишларини ўрганиб, ҳаётда ўз ўрнини топиш йўлида илк қадамларни қўймоқда. Тадбиркорлик билан шугулланиш истағида бўлган 7 фуқарога эса маҳаллага бириктирилган банк музасасилари билан ҳамкорликда бизнес режа тузишда, кредит олиш ва рўйхатдан ўтишда бевосита амалий ёрдамлар берилди.

Бундан ташқари, 104 фуқарони ўзини ўзи банд қилишга йўналтириш бўйича зарур шарт-шаронглар яратилди. Ҳар бирига қизиқшадан келиб чиқиб турли фаолият турлари, усқуналар ва масофавий иш имкониятлари тавсия этилди.

Ижтимоий ҳимоя соҳасида ҳам муҳим қадамлар ташланди. Кам таъминланган оилаларнинг олий таълим муассасаларида ўқийдиган 5 фарзанди учун контракт тўловлари тўлаб берилди. Бу нафақат бир неча оиланинг оғирини енгил қилди, балки таълимни қўллаб-қувватлаш, фарзандлар келажағига ишонч билан қарашнинг ёрқин намунасига айланди.

Маҳалланинг яна бир муҳим вазифаси оила мустаҳкамлигини асраш, оилавий ажримлар олдини олишдир. Бу йўналишда нурунийлар



Худудларда

Нукус шаҳрининг Бўзовул маҳалласидаги хунараманд Равно Бердибоева тикув цехида 7 хотин-қизни иш билан таъминлаган. Тадбиркор фаолиятини 2020 йилда бошлаган эди. Шу вақт ораллиғида у ногиронлиги бўлган хотин-қизларни тикувчиликка ўргатиб, ишли қилаётган тадбиркор сифатида танилди. У ёшларга тикувчиликни бепул ўргатади. Ўзига келган буюртмаларини шогирдларига ишоним топширади, ҳатто бунинг учун уларга қўл ҳақи ҳам беради.

Маҳаллада бундай ишбилармонлар етарлича топилади. Улардан бири ёш тадбиркор Рашид Қалбевдир. У “Бўзовул маҳалла универсал сервис компанияси” асосчиси. Ёш тадбиркор кам таъминланган ўнга яқин инсонни доимий ишга жалб қилди. Улар хунарга ўрганиб, оиласига даромад олиб киришга ёрдам берди.

— Чорвачилик ва деҳқончилик билан шугулланадиган оилада тарбия олганман. Бўш вақтимда такси ҳайдаганим шахримизни ўзига хос усулда ўрганишимга сабаб бўлди. Шу жараёнда темирдан эшик ва дарвозалар ясаш бизнесини бошлашни ният қилдим. Тадбиркорликка 2020 йилда қўл урдим. Албатта, аввалига қийинчилик бўлди. Лекин ҳаммаси ўтиб кетди. Ҳозир ишларимиз анча яхши. Мақсадим — ишимни янада ривожлантириб, янги иш ўринларини яратиш, — дейди тадбиркор Рашид Қалбев.

Нукус шаҳридаги “Жеке терек” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ун ва макарон махсусотлари ишлаб чиқарувчи корхона бор. Ҳозир корхонада ўн бир турдаги макарон ишлаб чиқариляпти. Кўнига 12 тоннагача тайёр махсусот маҳаллий бозорларга йўналтириляпти. Илгари бозорларимизни макарон махсусотлари билан таъминлашда импорт улуши юқори эди. Тадбиркорларга кенг имконият яратилгач, бундай махсусотларни ўзимизда ишлаб чиқариш кўпайди. Бу эса махсусот нархи ва сифатида ҳам ижобий таъсир қилмоқда.

Нукуслик яна бир тадбиркор Генжебой Айтмуратов юқори сифатли музқаймоқ ишлаб чиқаради. Жорий йил май ойида фаолият бошлаган корхона кўнига 30 минг дон музқаймоқ ишлаб чиқариш қувватига эга. — Музқаймоқларни Италия ва Польша технологиялари ёрдамида ишлаб чиқарямиз, — дейди “Ювента Нукус” корхонаси раҳбари Г.Айтмуратов. — Лойиҳамизнинг умумий қиймати 10 миллиард сўм. Бундан ташқари, сутни қайта ишлаш корхонамиз бор. У 2000 йилдан бери фаолият юритади. Ўшандан буён аҳолига сут махсусотларини етказиб берамиз. Шунингдек, Европада 700 дан ортиқ насли чорва олиб келганмиз. Замонавий технологияларни ўзлаштириб, миллий брендадаги махсусотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириб бораёмиз.

Президентимизнинг “Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорлик, инновацион технологиялар ва инфратузилмаларни жадал сурьатларда ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида лойиҳа учун имтиёзли кредит ажратилди. Натижада йилига 672 тонна махсусот ишлаб

чиқариш қуввати яратилди. Асосийси, 23 фуқаронинг бандлиги таъминланди.

“Кегейли мебель марки” корхонаси Президентимиз қарорига асосланиб берилган 400 миллион сўм кредит ҳисобига фаолият бошлаган. Лойиҳа доирасида туманда мебель ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу орқали 15 киши, жумладан, имконияти чекланган беш

шахс иш билан таъминланди. Корхона замонавий мебелларни экспортга етказиб бериш тарадуиди.

Шунингдек, Қўнғирот тумани Ҳаким ота маҳалласида яшовчи тадбиркор Мажид Отамуратов имтиёзли кредит эвазига мебель ишлаб чиқаришни бошлади. Лойиҳа сабаб ўнга яқин қўшимча иш ўрни яратилди. Замонавий

дизайнга эга мебелларнинг кенг танлови харидорларни жалб қилмоқда.

Биз тилга олган туманларга мебеллар илгари четдан олиб келинади. Бугун хунарга ёшларимиз ички бозорни тўлиқ таъминляпти.

Тахиятош туманидаги эшик ишлаб чиқариш мажмуасида тўртта тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатади. Шулардан бири “Қўжа нақшлари” масуляяти чекланган жамиятидир. Тадбиркор турли эшик ва дарвозалар ишлаб чиқармоқда.

— Банкдан имтиёзли кредит олиб иш бошлаганимизга олти йил бўлди. Бугунги кунда 10 киши иш билан таъминланган. Буюртма асосида эшик ишлаб чиқарамиз. Шунингдек, бозордаги савдо нуқталарига ҳам махсусот етказиб берамиз. Юртимизда тадбиркорларга яратилаётган имкониятлар ишимиз янада ривож олишига замин яратмоқда, — дейди корхона иш юритувчиси Рашид Жумабметов.

— Корхонамизда 15 киши ишлайди. Махсусотларимизни асосан ички бозорга сотаямиз. Арзон эшикларимиз 400 минг бўлса, қиймати 600 минг сўм. Махсусотларимизни бозорга чиқариш билан бирга харидорлар буюртмаси бўйича ҳам етказиб берамиз. Даромаднинг ёмон эмас, — дейди “Rampaz-Gulnaz” корхонаси ишчиси Бекболат Нурибметов.

Президентимизнинг “Худудларда тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш

— ҳожи ота ва ҳожи оналар, “Оқила аёллар” ҳаракати, “Бувижонлар мактаби” аъзолари, намунали оила вакиллари ҳамда профилактика инспектори ҳамкорлиқда фаолият юритмоқда. Улар томонидан маҳаллада ажралиш хавфи остонасига келиб қолган 5 та оиланинг муаммолари ўрганилиб, аниқ сабаблар таҳлил қилинди, ҳар бир ҳолат юзасидан индивидуал ёндашув асосида тўғри маслаҳат ва амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада уларни яраштиришга эришилди.

Базми ҳолатларда маиший ўзравонлик, оилавий таъбир ёки учинчи шахс аралашуви каби мураккаб омилар оқибатида юзага келган келишмовчиликлар мунтазам равишда олиб борилаётган суҳбатлар ва тушунтириш ишлари орқали бартараф этилмоқда. Бу жараёнда ота-оналарнинг ҳаётий тажрибаси, ақл-заковат ва меҳр билан айтилган сўзлар, фидойи музасхас-сислар маслаҳати ўз самарасини берди. Ёнг муҳими, ҳар бир тикланган оила фарзанд тақдирини, жамиятдаги барқарорлик ва маънавий соғлом муҳитнинг асосидир.

Албатта, бу каби ижобий натижалар замирида кейинги йилларда маҳалла тизимидаги ислохотлар ва янгиланишлар муҳим ўрин тутди. Хусусан, ўтган 3 йил мобайнида маҳалланинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, фаолиятини кенгайтириш бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқилди. Маҳалла тизимида қўшимча ваколатлар, молиявий ва ташкилий имкониятлар берилди. Ёнг муҳими, масулятулар ҳам, ишонч ҳам жойларда, пастки бўғинга туширилди.

Натижада ҳар бир фуқаронинг муаммоси маҳалланинг ўзида ҳал этилмоқда. Эҳтиёжлар вақтида аниқланмоқда, музрожатлар эртага қолдирилмасдан ҳал қилиняпти. Бу маҳаллада ҳамжиҳатлик, жамиятда барқарорлик ва ёнг аввало, инсон манфаатлари таъминланаётган янги маҳалла модели шаклланаётганининг ақил ифодасидир.

Янги тахрирдаги Конституциямизда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни фуқароларнинг манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий ўзига хос хусусиятларидан, шунингдек, миллий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда, қонунга мувофиқ мустақил равишда ҳал этишга ҳақли” экани алоҳида белгиланди.

Бу конституциявий норма маҳалла фаолияти учун ҳуқуқий таянч ва аниқ йўналиш бўлиб хизмат қилмоқда. У маҳаллаларга ўз худудини мустақил бошқариш, фуқаролар манфаатларидан келиб чиқиб, давлат идоралари билан тенг ҳамкорлик асосида муаммоларини ҳал қилиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни бошқариш, жамоатчилик назоратини самарали йўлга қўйиш ва ёнг муҳими, халқимиз фаровонлигини таъминлаш имконини бермоқда.

Маҳалланинг бутунги институционал мавқеи нафақат юридик қафолларга, балки давлат ва жамият ўртасидаги жонли мулоқот ва ишонч муҳитига таянган ҳолда шаклланамоқда.

Бундай кенг қамровли ислохотлар натижа-сида маҳалла институти энди аънаваний жамоавий тузилма эмас, балки чинакам институционал куч сифатида намоён бўлмоқда. Бу эса шунчаки ҳуқуқий ифода эмас, балки давлат ва жамият ўртасидаги ёнг таъсирчан, ёнг ишончли, ёнг яқин боғловчи механизми яратишга қартилган изчил сиёсат самарасидир.

Ёнг муҳими, янги Ўзбекистонни барпо этиш гоёсининг илдизи айнан маҳаллада. Зеро, маҳалла ватан ичра кичик бир ватан, халқ билан давлат ўртасидаги тирик кўприкдир. Бу кўприк қанчалик мустаҳкам бўлса, давлат ҳам, жамият ҳам шунчалик яхлит ва барқарор бўлади. Шунинг учун бугун маҳалла тизимига қартилган эътибор, яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар янги Ўзбекистоннинг гоёвий ва амалий пойдеворига айланмоқда.

Эндилкида халқ ҳаётини яхшилаш, одамлар розилигини таъминлаш, ҳар бир оилага эъгулик киритиш сингари эзгу мақсадлар сари йўналтирилган бу тизимда соҳа маъсулларидан фақат юксак масуляият ва фидойилик талаб этилади.

Бу Президентимизнинг халққа хизмат қилишга қартилган сиёсий иродаси, бошқарувдаги инсонпарвар ёндашуви ва янги Ўзбекистонни маҳалладан бошлашга қартилган фалсафасининг ҳаётдаги ёрқин ифодасидир.

механизмларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди Қорақалпоғистонда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича алоҳида кўрсатмалар берилганди. Шу асосда яратилган шаронглар сабаб ҳудудда ишбилармонлар сафи кенгайиб, янги лойиҳалар ишга туширилмоқда.

Амударё туманида қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳаларида ҳам янги лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хусусан, тумандаги Уйшин маҳалласида “Жамолиддин Жайхун” корхонаси қиймати 1 миллиард сўм лойиҳа асосида ба-лиқчиликни, “Қорақалпоқ махсусотлари” корхонаси 1,3 миллиард сўм маблаг ҳисобига паррандачилик ва гўшт махсусотларини қайта ишлашни йўлга қўйди. “Жайхун моторс” корхонасида эса мотороллер йиғиш бошланди. Бу лойиҳалар орқали янги иш ўринлари яратилмоқда, маҳаллий махсусотлар ишлаб чиқариш ҳажми ошмоқда.

Туманда “Ботир Хонқа” ва “Ал Кафил бизнес пласт” корхоналари қиймати 2 миллиард сўм бўлган лойиҳалар асосида пласт-масса идишлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, 20 та иш ўрни яратди. “Равшанбек-Юлдузхон” хусусий корхонасининг қандолат, нон махсусотлари ишлаб чиқариш ва сутни қайта ишлаш цехи ҳам намунали тадбиркорлик субъектларидан биридир.

Бундай ишбилармонлар сафи эса тобора кенгайиб борапти. Бу ҳар бир тадбиркор доим эътиборда экани ва қўллаб-қувватланаётганидан далолат.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ИЖРО ИНТИЗОМИ — ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



Шухрат ҚОДИРОВ,
Космик тадқиқотлар ва
технологиялар агентлиги
директори

Бошланиши 1-бетда

Интизом бор жойда унум, барака бўлади. Режалар аниқ, иш тартибли кечадиган, шунга яраша натижа кутилади. Яъни ҳар қандай фаолият ва жамоада ижро интизими катта аҳамият касб этади. Айтиш жоиз бўлса, бирор-бир натижа кутишдан олдин ижро мукаммал бўлиши керак. Мукаммаллик эса муваффақиятга элтувчи воситалардандир.

Албатта, космик соҳа ривожига бу жиҳатларнинг ўрни жуда муҳим. Чунки космик фаолиятнинг ўзи ўта аниқлиқни талаб этади. Бу эса, ўз-ўзидан равшанки, катта масъулият дегани.

Замонавий бошқарувнинг стратегик воситаси

Бугун ҳаётимизни замонавий технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Дунё рақамлашар экан, кўрсатилаётган хизматлар ҳам энг сўнгги ечимларни талаб этмоқда. Янги авлод гаджетлари, сунъий интеллект ва рақамли воситалар тараққий этгани сари космосдан фойдаланиш эҳтиёжи янада ортиб бормоқда. “Ақлли” шаҳар, “ақлли” уй, роботлашган дастурлар каби ноёб концепциялар мазкур йўналиш инсоният келажаги учун муҳим эканини кўрсатмоқда.

Ҳозир ҳақон бозорида космик соҳанинг иқтисодий улуши 500 миллиард доллардан ошган. Тахлилчилар 2030 йилга бориб бу рақам 1 триллион долларга, 2035 йилда эса 2 триллион долларгача етиши мумкин дея тахмин қилмоқда.

Космик фаолият XXI асрда глобал тараққиётнинг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Бугун сунъий йўлдош технологиялари, ерни масофадан зондаш, атмосфера таҳлили ва навигация тизимлари нафақат фан ва технология, балки иқтисодиёт, экология, хавфсизлик ва бошқарув соҳаларида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда 2019 йилда Президентимиз фармони билан Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги қайтадан ташкил этилиб, унга инновация космик технологиялардан фойдаланиб, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада тараққий эттириш вазифаси юкланди. Бу йўлда эса ўта муҳим йўналишлар, таъбир жоиз бўлса, стратегик аҳамиятга эга тармоқларни Давлат космик мониторингинг тизими орқали сунъий йўлдошлар ёрдамида кузатиб бориш белгиланди.

Бирок ҳар қандай стратегия, дастур ёки ислохот натижа бериши учун унинг бажари-

маъмурий зарурат эмас, балки замонавий бошқарувнинг стратегик воситаси сифатида намоён бўлмоқда.

“Ўзбеккосмос” агентлиги Президентимиз ва ҳукумат белгилаб берган вазифа ҳамда топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга масъулият билан ёндашади. Бунда давлат раҳбарининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим дастур бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг шу йил 25 июлдаги “Давлат органлари ва ташкилотларда ижро интизомини янада мустаҳкамлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумат ҳужжатларининг ижроси устидан самарали назорат механизмларини жорий қилиш, ижро натижаси бўйича аниқ ҳисобдорликни таъминлаш билан бирга бугундаги раҳбарлар ва ходимларнинг ижро интизомига қатъий риоя этиш бўйича шахсий масъулияти ва жавобгарлигини янада оширишга замин бўлмоқда.

Мазкур фармонга кўра, ижро интизомини ташкил этишнинг асосий йўналишлари сифатида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини назорат қилишнинг самарали механизмларини жорий қилиш, ҳудудларда ислохотлар натижадорлигини ўрганиш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш ишларини сифатли ташкил этиш, давлат органлари ва ташкилотларда ижронини таъминлашда биринчи раҳбарларнинг масъулиятини ошириш, шунингдек, ижро интизомини назорат қилиш жараёнларига сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш каби янги вазифалар белгиланди.

Энди Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари фармойишлари ва топшириқлари ижроси “ijro.gov.uz” тизимида давлатимиз раҳбарининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари ижросини назорат қилиш тартибиде амалга оширилади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижроси бўйича назорат ва ҳисобдорлик 2025 йил 1 октябрдан бошлаб “ijro.gov.uz” тизими орқали ташкил этилади. Фармоннинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, давлат органлари ва ташкилотларнинг раҳбарлари жорий йил 1 октябрдан бошлаб қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлашда жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида ижро интизоми тўғрисидаги тегишли маълумотларни ўз ташкилотлари, шунингдек, Адлия вазирлигининг веб саҳифаларига жойлаштириб, ҳар ойда маълумотларни янгитлаб бориш, шунингдек, ҳар чорақда қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумат ҳужжатлари ижроси ҳолати бўйича кенг жамоатчиликка ҳисобот беришга мажбурдир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, агентликда замонавий бошқарув услубларини амалиётга жорий этиш, назорат қилиш ва ижронини текшириш шакллари тақомиллаштириш, талабчанликни кучайтириш, ходимларнинг берилган топшириқ учун шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича қатъий чоралар кўрилади.

Вазирлар Маҳкамасида “ijro.gov.uz” тизимида назоратга олинган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳар ҳафта вазирлар маҳалларнинг раҳбар ўринбосарлари,

муддати яқинлашаётган ҳужжатлар таҳлил қилиниб, топшириқ ва вазифалар белгиланади. Бу орқали топшириқлар бажарилишини кунлик ташкил этиш бўйича ойлик календарь графикларни тасдиқлаш ҳамда раҳбар ўринбосарларининг “йўл хариталари” орқали амалга ошириш, барча даражадаги таркибий тузилмалар раҳбарлари ва ходимлар фаолияти самарадорлигини КРИ орқали баҳолаб бориш натижа бермоқда.

Агентлик томонидан 2021-2023 йилларда умумий ҳисобда 351 та, 2024 йил якунилари бўйича эса 201 та топшириқ ижроси таъминланган. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 117 та топшириқ ижроси муддатидан олдин бажарилди.

Имконият ва натижалар

Ижро интизоми космик соҳадаги ислохотларнинг ўзига хос “двигатель”идир. Космик соҳадаги лойиҳаларни амалга оширишда эса бу энг муҳим омиллардан. Сабаби ушбу тармоқда ҳар бир иш узоқ муддатли, юқори технологияли ва кўп босқичли жараёнларни қамраб олади. Бундай тизимда режаларга аниқ риоя қилиш, топшириқларни белгиланган муддатда бажариш, назорат ҳамда ҳисобот тўлиқ ишлаши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Халқаро тажрибага эътибор қаратсак, космик соҳада етакчи NASA, ESA, JAXA, CNSA каби космик агентликларда сифат ва ижро интизоми иш жараёнининг асосий устундир. Бу ташкилотлар режалаш, назорат, ҳисобот ва масъулиятни рақамлаштириш орқали йирик лойиҳаларни самарали амалга оширади. Барча ходимлар шахсий ва жамоавий масъулиятни ҳис этган ҳолда меҳнат қилади.

Шу билан бирга, мамлакатимизда космик фаолиятни тартибга солиш, космик тадқиқотлар ва технологиялар соҳасида ягона давлат сиёсати ва стратегик йўналишларни белгилаш мақсадида бугунга қадар Президентимиз ҳамда ҳукуматнинг 10 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжати қабул қилинди. Агентлигининг асосий йўналишларидан бири бўлган Давлат космик мониторингини амалга ошириш доирасида сезиларли ишлар бажарилди.

Хусусан, **ер муносибатлари соҳасида** ер участкаларининг ўзбошимчалик билан



эгаллаб олиниши ҳамда ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларида бино ва иншоотлар қурилишини аниқлаш бўйича Тошкент шаҳри, Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятларида космик мониторинг ўтказилди. Уларда 350,85 гектар ерда жами 417 та ўзбошимчалик билан қурилгани эҳтимоли юқори бўлган бино ва иншоот аниқланди.

Геология соҳасида ер қаъридан ўзбошимчалик билан фойдаланиш, фойдали қазилмалар жойлашган майдонларни асосан ва бошқа мақсадларда ишлатиш ҳолатларини аниқлаш бўйича Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида космик мониторинг ўтказилди. Натижада 280,1 гектар ерда жами 329 та эҳтимоли юқори бўлган ноқонуний қазिश ҳолати аниқланди.

Сув ҳўжалиги соҳасида сув сатҳи режимини мониторинг қилиш ишлари бўйича 49 та сув омбори ҳудудида космик мониторинг ўтказилди. Айни кунларда Охангара, Варзик, Жийдалисой, Қўргонтепа сув омборларида лойқа оқизиқлар билан тўлиб бориш динамикаси ҳолатини ўрганиш жараёни давом этмоқда.

Сейсмология йўналишида 16 та сув омборида тўғонларнинг деформацияланиш, силжиш ва чўкиш динамикасини космик мониторинг қилиш бўйича ҳамкорчи компаниялар (X Sat FZE, БАА) томонидан жорий йил сентябрга қадар тегишли ишлар бажарилмоқда.

Экология соҳасида чиқиндиларни сақлаш жойларида белгиланган ҳудуддан ташқарига чиқиш, янги пайдо бўлган ноқонуний чиқинди зоналарини аниқлаш бўйича Тошкент шаҳри ва Жиззах вилоятида космик мониторинг ўтказилиб, 33,5 гектар ерда 202 та



рухсат этилган чиқинди полигони чегарасини бузиш ҳолатлари аниқланди.

Бошқоқли дон экинларидан бўшаган ерларда сомнонлар ва қолдиқларини ёқиш (далалар ёқиши) ҳолатларини аниқлаш вазифаси доирасида жорий мавсум республика бўйича 5697,3 гектарда 674 та сомнонлар ва қолдиқларини ёқиш ҳолати аниқланди. Агентлик аниқлаган маълумотлар келгусида қонуний чора кўриш учун тегишли давлат ташкилоти ва маҳаллий ҳокимликларга тақдим этилди.

бисёр. Уларни амалга ошириш эса масъулиятли, интизомли ҳамда малакали кадрларга боғлиқ. Шу маънода, Президентимизнинг 2024 йил 14 октябрдаги “2024-2026 йилларда иқтисодиёт тармоқларида аэрокосмик технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида “Ўзбеккосмос” агентлиги томонидан илм-фанни ривожлантириш, космик таълим ва кадрлар малакасини оширишга қатъий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Бинобарин, мазкур йўналишда муайян ишлар қилинди.

Жумладан, маҳаллий таълим ташкилотлари ва давлат идоралари билан ҳамкорлик натижасида геоахборот тизимлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш ҳамда мазкур тизимларда ишлаш учун зарур билим ва кўникмага эга мутахассислар тайёрлаш мақсадида шартномалар имзоланди. Унга кўра, ходимлар учун малака ошириш курслари ташкил этиб келинмоқда.

Тошкент давлат транспорт университети, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий ҳамда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети билан бакалаврларнинг битирув-малакавий иши ҳамда магистрларнинг магистрлик диссертацияси мавзулари таҳлил қилиниб, тегишли соҳаларга оид мавзулар таклиф сифатида киритилмоқда. Шунингдек, агентлик мутахассисларининг олий таълим муассасаларида ташкил этилган давлат аттестация комиссияси аъзоси сифатида битирув-малакавий ишлари ҳимоясида мунтазам қатнашиш таъминланмоқда.

Шунингдек, кадрлар салоҳиятини ошириш ҳамда кадрлар захирасини шакллантириш учун “Ўзбеккосмос” агентлиги томонидан кўплаб хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Хусусан, космик фаолиятга ихтисослаштирилган Эдинбург университети, Бирмингем университети (Буюк Британия), Айова университети, Миннесота университети, Колорадо университети ва Аризона университети (АҚШ) каби 10 га яқин хорижий олий таълим муассасасида иқтисодий талабларни тайёрланмоқда.

Франциянинг Халқаро космик университети ўтказаятган “Space Studies Program-2025” ўқув дастурида иштирок этиш, Нидерландиянинг “SpaceBuzz” компанияси томонидан ўқитувчилар учун онлайн ўқув вебинари ташкил этиш амалиёти йўлга қўйилди.

Ҳозирга қадар “Ўзбеккосмос” агентлиги томонидан Кюшу технология институты (Япония), Падуа университети (Италия) ва Москва авиация институты (Россия) билан ўзаро англашув меморандумлари имзоланган. Бу космик соҳада таълим сифатини ошириш ва мутахассислар тайёрлашга, қоллаверса, тажриба ва илғор билим алмашиши хизмат қилмоқда.

Халқаро ҳамкорлик масъулиятни янада оширади

Космик тадқиқотлар ва технологиялар соҳасида халқаро ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, кенгайтириш ва мувофиқлаштириш агентлигимиз фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бу, ўз навбатида, дунёнинг етакчи космик агентликлари ва компаниялари билан тажриба, илғор технологиялар ва билим алмашиш учун катта имконият яратяди.

“Ўзбеккосмос” агентлиги бугунга қадар БМТнинг Космосдан тинч мақсадларда фойдаланиш қўмитаси, Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси ҳукуматлараро маслаҳат қўмитасининг Барқарор ривожланиш учун космик технологиялардан фойдаланиш бўйича минтақавий дастури, Халқаро астронавтика федерацияси, Туркий давлатлар ташкилоти, МДҲ Давлатлараро космик кенгаши билан ҳамкорлиқни тўлиқ йўлга қўйган.

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 10 октябрдаги “Космик фазо, шу жумладан Ойни ва бошқа самовий jismlарни тадқиқ қилиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича давлатларнинг фаолияти принциплари тўғрисидаги шартномага (Лондон, Москва ва Вашингтон, 1967 йил 27 январь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида”ги қонуни билан мамлакатимиз космик фазо, жумладан, Ой ва бошқа самовий jismlарни тадқиқ қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича давлатларнинг фаолият тамойиллари тўғрисидаги шартномага қўшилди. Ҳозирга қадар унга 114 давлат қўшилган бўлса, Ўзбекистон 115-иштирокчига айланди.

Натижа, масъулилик, жавобгарлик ва ривожланиш кафолати

Жорий йил 31 июлда давлатимиз раҳбари ҳузурида қишлоқ ҳўжалигида космик маълумотлардан фойдаланиш ва рақамлаштириш чора-тадбирлари бўйича бўлиб ўтган йиғилишда “Ўзбеккосмос” агентлиги ҳисоботи тингланди.

Бунда Президентимизга “Ўзбеккосмос” агентлиги томонидан давлат космик мониторинг натижалари, хусусан, ўзбошимчалик билан эгалланган ерлар, ўрмон қоплами ва турлари, сув истемоли ҳажми, экин турлари ва ҳосилдорлик каби қатор муҳим масалаларга доир аниқ ва тезкор маълумотлар шакллантириш бўйича тизим йўлга қўйилгани юзасидан ҳисобот берилди.

Манфаатдор вазирлик ва идоралар қаторида “Ўзбеккосмос” агентлигига қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳаларини рақамлаштириш, курчизни аппаратлардан фойдаланиш, қурилиш, кадастр, норуа қонлар, ўрмон ва яйлор ерлари бўйича ҳам таҳлиллар ўтказилиши юзасидан аниқ вазифалар белгилан берилди.

“Ўзбеккосмос” агентлиги зиммасига юклатилган вазифалар ижросини сўзсиз таъминлаш бўйича ягона ва улузсиз “технологик занжир” ҳамда темир йўлга ижро интизоми йўлга қўйилган.

Ижро интизоми масъулият ва жавобгарликдир. Бу нафақат техник жиҳатларни амалга ошириш, балки раҳбарнинг шахсий сифатлари — қатъият, таҳлил қилиш қобилияти ва назоратни таъминлашдаги салоҳияти билан ҳам боғлиқ жараён. Бугун “Ишчи жамоа бажаради, масъулият эса шахсий” деган принципал қондага қатъий амал қилиш, ҳар бир раҳбар шахс ўз тизимида ижро интизомини таъминлаш, бажарилган ишлар учун шахсан жавобгар бўлиши талаб этиляпти. Давлат бошқаруви, иқтисодиёт, илмий соҳалар ёки ахборот технологиялари — қайси йўналиш бўлмасин, ижро интизом мавжуд бўлмаса, ҳеч қандай ислохот натижа бермайди. Шу боис, **ижро интизоми натижа, масъулият, жавобгарлик ва ривожланиш кафолатидир.**



лиши, яъни ижро интизоми таъминланиши лозим. Кўплаб соҳаларда бўлгани каби космик соҳада ҳам ижро интизоми технологик тараққиётга йўл очадиган асосий омиллардан биридир. Сабаби ижро интизоми энди

назорат бўлимлари ва масъул таркибий йўналишлар раҳбарларининг ҳисоботини мунотазам эшитиб бориш тизими жорий этилган. Ушбу тизимнинг мантикий давомии сифатида агентлигимизда ҳар ҳафта якунида ижро

Эътироф этиш керакки, маҳсулотларимиз сифатли ва ширин бўлгани боис, чет эл бозорларида “Ўзбекистонда етиштирилган” бренди машҳур. Хусусан, илгор экспортчиларимиз бу йил “шок” усулида музлатилган 9 минг тонна олчани 26 миллион долларга экспорт қилган. Ўзимизда олча етишмагани учун импорт қилиб, музлатиб, қайта экспортга чиқаришни ҳам бошлашган.

Бошланиши 1-бетда

90-йилларнинг бошларини катталар ҳозир ҳам кўп эслайди. Уша даврларда деҳқон бозорларида фақат картошка, сабзи ва пиёз сотувчи ва харидорларнинг асосий маҳсулоти бўлган. Бугун эса ҳоҳ киш бўлсин, ҳоҳ ба-

сметана, кефир каби сут маҳсулотларини кўриб, ажабланмасликнинг иложи йўқ эди. Чунки маҳсулотлар ўша кунни ишлаб чиқарилган. Сотувчилардан сўраганимда, яқин-атрофдаги фермерлар ўз фермаларидаги сутни қайта



ҳор, узум, мандарин, киви, қулупнай, банан каби сархил меваларни эндигина узилгандек ҳолатда сотиб олиш мумкин. Катталарнинг эслашича, мандарини ананаслар 90-йилларда бозорларимизда деярли бўлмаган.

Бундан бир неча йиллар олдин хизмат сафари билан Польшага боргандим. Эрта тонгдан меҳмонхонамиз яқинидаги супермаркетларни айландардим. Шинам дўконлар расталаридаги бежирим қадокланган қаймоқ,

ишлаб, истеъмолчиларга сифатли ва тез етказишга ҳаракат қиларкан. Бу ерда рақобат механизми ишлайпти. Етиштирувчи ҳам, қайта ишловчи ҳам, савдо нуқталарига етказиб берувчи ҳам фермернинг ўзи.

Шундан сўнг ушбу мамлакат қишлоқ хўжалиги билан қизиқдим. Фермерларга ер хусусий мулк сифатида берилган. Даласига нима экишни ўзи ҳал қилади. Инновацион ечимлар билан ҳосилдорликни ошириш



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

чораларини кўради. Ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигига масъул идоралари фермерларга қандай экин экиш бўйича маслаҳат берадиган, ҳолос. Дейлик, сабзи ёки картошка бу йил кўп экилгани, шу боис, келаётган мавсумда бу маҳсулотлар нархи тушиб кетиши мумкинлиги тўғрисида фермерни ахборот билан “қуроллантираркан”.

Агар ёдингизда бўлса, ўтган йили юртимизда пиёз ҳаддан ташқари кўп экилиши туфайли нарх жуда арзонлаб кетди. Натижада минглаб гектардаги маҳсулот далаларда қолди. Бундай ҳолат икки-уч йилда тез-тез содир бўлиб туради. Деҳқону фермерлар куйиб қолаверди. Маҳаллий даражадаги мутасаддилар эса айнан нарх пасайиб кетганидан сўнг ҳаракатга тушиб қолади. Бу йил ҳам худди шунга ўхшаш вазият помидор ва тарвузда кузатилди.

Ўтган ҳафтада Президентимиз раислигида мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспортини кўпайтиришда янги захира ва имкониятларни ишга солиш юзасидан ўтказилган видеоселекторда соҳа олдидаги муаммолар атрофлича таҳлил этилиб, аниқ масалалар ечимига қаратилган қарорлар қабул қилинди.

Таъкидлаш керакки, сўнгги уч йилда 250 минг гектар пахта ва ғалла ери озиқ-овқат етиштиришга берилди. 160 минг гектар янги боғ ва тоқзор барпо этилди. Эскирган 107 минг гектари янгиланганди. 1 миллиард долларлик 1,5 мингта озиқ-овқат лойиҳаси ишга туширилди.

Бундан ташқари, 100 минг тонна сақлаш, 70 минг тонна қуриштиш, 46 минг тонна саралаш ва қадқоқлаш қувватлари яратилди. Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар халқаро миқёсда эътироф этилмоқда. Ўтган ойда Ўзбекистон Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) кенгаши аъзоллигига сайланди.

“Бу миллий ва минтақавий ташаббусларни илгари суриш, янги лойиҳаларга маблағ жалб қилишда биз учун катта имконият”, дея таъкидлади Президент.

Ушбу йиғилишда давлатимиз раҳбари халқаро вазият кун сайин ўзгариб бораётгани, йилдан йилга такрорланаётган об-ҳаво инжиқликлари, “аномал иссиқ” ва “аномал совуқ” деган тушунчалар оддий ҳолга айланиб улгурганига эътибор қаратди. Бундай қалтис шароитда ҳар бир экспорт бозори мамлакатимиз учун ўта муҳимлиги, керак бўлса, бу иқтисодий хавфсизликнинг усту-

вор йўналишларидан бири экани кўрсатиб ўтилди.

Шу боис, мазкур тадбирда соҳа масъуллари ва ҳокимларга шароитга мослашиб, иссиқ ва совуққа, сувсизликка чидамли маҳсулотлар етиштиришга ўтиши зарурлиги қайд этилди. Ўтган 6 ойда озиқ-овқат экспорти 44 фоиз ўсиб, 1 миллиард 326 миллион доллар бўлди. Экспорт географияси 16 та давлатга кўпайди.

Эътироф этиш керакки, маҳсулотларимиз сифатли ва ширин бўлгани боис, чет эл бозорларида “Ўзбекистонда етиштирилган” бренди машҳур. Хусусан, илгор экспортчиларимиз бу йил “шок” усулида музлатилган 9 минг тонна олчани 26 миллион долларга экспорт қилган. Ўзимизда олча етишмагани учун импорт қилиб, музлатиб, қайта экспортга чиқаришни ҳам бошлашган.

Мева-сабзавот замонавий қадқоқда экспорт қилинса, кўпроқ даромад олиш мумкин. Бу йил ҳудудларда 16 та замонавий қадқоқ ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга тушди. Ушбу йўналишдаги ишлар кучайтирилиб, йил якунигача яна 15 та бундай корхона очилади.

Бугунги кунда республикада 5,1 минг гектар иссиқхона мавжуд бўлиб, сўнгги етти

йилда уларда етиштирилган маҳсулот ҳажми 110 минг тоннадан 546 минг тоннага кўпайди.

Эндиликда ички бозор билан бир қаторда экспортга ҳам маҳсулот етиштириш мажбуриятини олган, табиий газда ишлаётган иссиқхоналарга қишқи мавсумда газ қафолати ҳажмда берилди. Кўмир ёки бошқа муқобил иситиш тизимида ишлаётган ҳамда экспорт мажбуриятини олган иссиқхоналарга ҳам табиий газга қайтиш имкони бўлади.

Қолаверса, бундан буён иссиқхоналар, тоифасидан қатъи назар, ер солиғини қишлоқ хўжалиги ерлари ставкасида тўлаши белгиланди. 2028 йилга қадар иссиқхона ишчилари учун ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизга туширилади.

Ҳозир фермерлар ер, кредит, субсидия ва агрохизматлар бўйича 30 дан ортиқ платформадан фойдаланяпти. Буни оsonлаштириш учун улар бирлаштирилиб, “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформаси ишга туширилади.

Энди даласига нима экишни фермернинг ўзи ҳал қилади. Буни платформага ҳам унинг ўзи киритади. Натижада асосий, такрорий ва тўқсонбости экинлар миқдори олдиндан кўринади. Бу озиқ-овқат хавфсизлиги, нарх-наво барқарорлиги ва деҳқонларнинг даромадида жуда муҳим.

Фермерларга берилётган ушбу эркинлик ўтган ҳафтанг энг муҳим янгиллиги бўлди, десак муболағга эмас. Чунки даласига нима экиш мумкин қайси экиндан мўл ҳосил олиш имкониятини унинг ўзидан кўра яхшироқ биладиган бўлмаса керак. Қўл бошқарувиغا асосланган турли бюрократик босимлар фермерлар ишига халақит берса берадики, асло фойда келтирмайди.

Қисқача айтганда, миллий иқтисодиёти-мизнинг эртаси, халқимизнинг турмуш фаровонлиги, бозорларимиз тўқинлиги бевосита қишлоқ хўжалигига амалга ошириляётган ислохотлар ва унинг самарасига бевосита боғлиқ. Зеро, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим шарти ҳам аслида шу!

Юнус БҲРОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“Яшил иқтисодиёт”

ГЕОТЕРМАЛ ЭНЕРГИЯ — ЕРНИНГ ИССИҚЛИГИДАН ЭЛЕКТР ТОКИ ОЛИШНИНГ ЯНГИ ЙЎНАЛИШИ

Жаҳон иқтисодиётида “яшил” тараққиёт тамойилларига ўтиш бўйича ўзига хос тенденция кечмоқда. Яъни мамлакатларнинг барқарор ривожланиш ҳаракатларида органик ёқилги истеъмоли тизимли камайиб, ноанъанавий энергия ресурслари — “яшил” энергетикага ўтиш кўрсаткичлари ўсиб борапти. Биз яқингача келажақ технологиялари деб ҳисоблайдиган муқобил энергия манбалари бугун ҳар бир давлат учун иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилига айланди.

Гап табиат беминнат инъом этадиган ва катта манба ҳисобланадиган қуёш, шамол, сув ва бошқа воситалардан электр энергияси ишлаб чиқариш ҳақида борапти. Улар нефть, табиий газ, кўмир ва уран каби қазиб олин-диган ёқилгилардан фарқли ўлароқ, қайта тикланиш хусусиятига эга, ишлаб чиқариш хара-жатлари нисбатан арзон. Асосийси, экологик жиҳатдан хавфсиз бўлиб, тобора кескинлашиб бораётган глобал иқлим муаммолари шароити-да “яшил” энергетикага ўтишдаги самарали йўналишлардан бири саналади.

Дунёда қазиб олинадиган ёқилги кама-йиши, шунингдек, анъанавий ёқилги ва атом энергетикаси туфайли атроф-муҳит ўзгариши энергия олишнинг янги усуллари ва шакл-ларига ўтиш муқаррарлигини кўрсатганига анча бўлди. Кўплаб давлатлар аллақачон бунни тушуниб етган. Шу боис, катта харажат-ларга қарамай, муқобил энергия манбалари-дан фойдаланиш тобора ошириб боришмоқда. Маълумотларга кўра, биргина 2019 йилнинг ўзида дунё бўйлаб умумий қуввати 200 ги-гаватт бўлган қайта тикландиган энергия манбалари объекти ўрнатилган. Орадан олти йилдан ортиқ вақт ўтди, демак, бу борадаги тажриба ҳам, кўлам ва кўрсаткичлар ҳам бир неча баробар ошган.

Асосийси, “яшил” тараққиёт йўлини тан-лаган давлатлар табиий манбалар захирасини тежаб, иқтисодиёт тармоқларида арзон ва экологик хавфсиз муқобил энергия манбала-рига фаол ўтмоқда. Чунки муқобил энергия манбаларига қизиқиш ортishi нафақат уг-леводорд ёқилгисини захираларни камайиши, балки экологик муаммоларни ҳал қилиш за-рурати билан ҳам боғлиқ.

“Яшил” энергетикага ўтиш Ўзбекистон учун ҳам иқтисодий, ҳам экологик, ҳам геосиёсий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Ҳуку-мат 2030 йилгача қайта тикланувчи энергия

манбаларининг жами истеъмолдаги улушини 54 фоизга етказишни мақсад қилган. Бунинг учун йирик лойиҳалар амалга ошириляпти. Муқобил энергия манбаларидан фойда-ланишнинг самарали усуллари аста-секин амалиётга жорий этилмоқда. Нафакат иқти-содиёт тармоқлари, балки аҳоли хонадонла-рида ҳам “яшил” энергетикадан фойдаланиш кўрсаткичлари ортиб борапти.

Туганмас манба

Қайта тикландиган энергия манбалари ҳақида гап бурса, асосан қуёш, шамол, сув энергетикасини тилга оламиз. Аммо улар орасида яна бир муқобил энергия манбаи бор бу — геотермал энергиядир. Тўғридан тўғри таржима қилганда, гео — ер, термал — иссиқ-лик маъносини англатади. Яъни геотермал

энергия ер остидан олинадиган иссиқлик энергияси ёки ерда сақланган иссиқликдан олинадиган энергиядир. Содароқ айтганда, бу усулда электр энергияси ишлаб чиқариш учун ер иссиқлигидан фойдаланилади. Худди қуёш, шамолдан фойдаланилгани каби.

Мамлакатимизда электр энергияси асосан табиий газ ва нефть ҳисобига ишлаб чиқари-лади. Кейинги йилларда “яшил” энергетика манбалари ҳажми кескин ошди. Аммо бу ҳали мавжуд талабни қоплаш учун етарли эмас. Муқобил энергетиканинг бошқа ман-балари қатори геотермал энергия олишни ри-вожлантириш самарали натижа беради. Ай-ниқса, марказлашган тармоқларга уланмаган олис аҳоли пунктларини электр энергияси ва иссиқлик билан таъминлашда энергия хавф-сизлиги даражасини оширади.

Геотермал энергия деярли чексиз сало-ҳиятга эга бўлиб, юртимизнинг келажақдаги



энергетика тизими учун ишончли асосдир. Уни қазиб олиш ва етказиб беришнинг за-монавий, экологик тоза технологияларидан фойдаланган ҳолда аҳоли ва корхоналарни арзон ҳамда қулай электр энергияси, иссиқ-лик билан барқарор таъминлаш мумкин.

Замонавий технологиялар геотермал энер-гиядан тўғридан тўғри (иссиқлик энергияси) ёки электр энергиясига айлантириб (геотер-мал электр станцияси) самарали фойдаланиш имконини беради. Геотермал манбалар гидро-термал ва петротермал ресурсларга бўлинади.

Анча оммалашган петротермал энергия ер қобиғининг чуқур қатламлари, ер ости су-влари бўлмаган, аммо тоғ жинслари ҳарорати юқори жойларда сақланадиган иссиқликдир. Бу энергия манбаи куннинг вақтига, об-ҳаво шароитига ёки мавсумга боғлиқ эмас. Шу хусусиятлари туфайли петротермал энергия истиқболли ва барқарор ҳисобланади. Қола-верса, ишлаб чиқаришда заҳарли газ чикмайди, ёнилги ёқиш талаб қилинмайди, ташқи омилларга деярли боғлиқ эмас. Унинг ресурслари эса инсоният цивилизацияси ўлчовлари бўйича ҳақиқатан битмас-туганмасдир.

Қайси ҳудудлар танланмоқда?

Ер иссиқлиги мақсадли ўзлаштирилса, ишлаб чиқариладиган электр энергияси нар-хи пасайишига эришиш мумкин. Бугунги кунда бундай технологиялар фаол ривожла-ниш босқичида. Юқори геотермал фаолликка эга мамлакатлар, хусусан, Германия, Ислан-дия, Япония ва АҚШ ўз энергия таъминотини янада барқарор ва қазиб олинадиган ёқилги-дан мустақил қилиш мақсадида петротермал лойиҳаларга сармоя киритмоқда.

Масалан, Хитойни олайлик. Деярли 40 йил ичида ривожланмай келган, геотермал энергетика охириги йилларга келиб, том маънода “иккинчи туғилиш” босқичини бошдан кечирмоқда. Дастлабки ҳисоб-ки-тобларга кўра, мамлакатда геотермал сало-ҳият ўсиши 853 миллиард тонна кўмирни ёқиш натижасида олинадиган энергия бил-дан таққосланади. Узоғи билан 10 йил ичи-да бу йўналишдаги катта стратегия амалга оширилиши кутилмоқда. Дунё бўйича иш-лаб чиқариляётган геотермал энергиянинг 15 фоизи аллақачон Хитой ҳиссасига тўғри келяпти.

АҚШда эса 2019 йилда петротермал энер-гетикани ривожлантириш бўйича махсус дастур ишга туширилди. Башоратларга кўра, 2050 йилга бориб, мамлакатда петротермал электр станциялари қуввати 45 гигаваттга етиб, умумий электр энергияси ишлаб чиқа-ришдаги улуши 8,5 фоизни ташкил этади.

Ернинг иссиқлиги ҳақиқатан ноёб ресурс бўлиб, ундан фойдаланиш ҳам иқтисодий, ҳам экологик жиҳатдан фойдалидир. Кейин-ги йилларда Ўзбекистон айна шу жиҳатларга катта эътибор қаратаётгани, қолаверса, қуёш-ли ўлкамизнинг ер тафти ҳам доимий иссиқ бўлишини ҳисобга олсак, бу йўналишни ри-вожлантириш имкониятларимиз кенглиги кў-ринади. Тўғри, геотермал энергияни ишлаб чиқариш ва саноатда фойдаланиш бўйича ҳали мамлакатимизда амалий тажриба йўқ. Қолаверса, бундай энергияни ташиш ва ом-борга жойлаштиришнинг имкони ҳам мавжуд эмас.

Аммо яқин йилларгача қуёш ва шамол энергияси борасида ҳам тажрибамиз йўқ эди. Ислохотлар натижасида бугун юртимиз маз-кур йўналишда Марказий Осиё давлатлари орасида етакчилик қилиб, ўзига хос тажриба

ярата олди. Жаҳоннинг энг илгор инвестор-лари мамлакатимиз “яшил” энергетика тар-моғига катта қизиқиш билдириб, сармоя ки-ритмоқда. Муқобил энергиянинг геотермал турини ҳам шундай ривожлантириш имко-ниятларимиз бор.

Ушбу йўналишдаги тадқиқотлар Ҳ.Аб-дуллаев номидаги Геология ва геофизика институтида анча йиллар олдин бошланган. Юртимиздаги “яшил” энергетика тараққи-ёти ушбу усулни замонавий технологиялар ёрдамида ўрганиш ва амалиётда синаш им-кониятларини оширди. Айни вақтда инсти-тутнинг литосфера тузилиши лаборатория-сида шу бўйича мақсадли тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Кўпроқ юқори иссиқлик оқимига эга бўл-ган ҳудудлар баҳолянапти. Ўрганишларга кўра, Марказий Қизилқум, Ҳисор, Чотқол-Қўрама ва Орол минтақаларида геотермал энергетикани ривожлантиришга қаратилган дастлабки ишларни бошлаш муҳим қадам бўлади. Бу геотермал электр станциялари ва иссиқлик таъминоти тизимларини кенг жо-рий этиш билан боғлиқ. Мазкур ҳаракатлар келажақда мамлакатнинг турли ҳудудларида иқтисодий ўсиш ва инфратузилмани яхши-лашга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли қаро-ри билан Ҳ.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти лабораториясида “Қизилқум, Ҳисор, Олмалиқ-Ангрен минта-қаларида илгор геофизик зондлаш усуллари-ни қўллаган ҳолда геотермал аномалияларни аниқлаш ва муқобил энергия манбаларини асослантириш” драйвер лойиҳаси устида иш олиб борилди. 2022-2024 йилларда Жа-ҳон банкининг грант маблағлари ҳисобидан “Ўзбекистонда қайта тикланадиган геотер-мал энергияни ривожлантириш” лойиҳаси амалга оширилди. Лойиҳалар доирасида юртимизнинг салоҳияти юқори майдонлари тузилишининг чуқурлик моделилари олиниб, синов бурғилаш ва бинар геотермал стан-цияларни қуриш учун жойлар аниқланди. Энди ана шу ерларда амалий ҳаракатлар бошланади.

Хуллас, яқин йилларда юртимизда гео-термал станциялар пайдо бўлади. Бунинг ҳисобига электр энергияси ишлаб чиқариш ва аҳоли ҳаьда иқтисодиёт тармоқларига уз-луксиз етказиб бериш қувватлари янада оша-ди. Мамлакатимизнинг олис ҳудудларига ҳам хавфсиз ва экологик тоза электр энергияси етиб бориши таъминланади. Бу эса аҳоли фаровонлиги, ҳудудлар ва иқтисодиёт ривожига хизмат қилади.

Расулжон САҲОБИДДИНОВ,
Ҳ.Абдуллаев номидаги Геология
ва геофизика институти литосфера
тузилиши лабораторияси бошлиғи,
Ирина СИДОРОВА,
лаборатория бош илмий ходими



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 34 йиллигига

Янги Ўзбекистон илм билан дунёга юз тутаётган мамлакат

Инсоният тараққиёти тарихига назар ташласак, ҳар қандай улкан цивилизация, кучли давлат ва буюк жамият асосида тафаккур, илм ва маърифат турганини кўрамиз. Шу маънода, янги Ўзбекистон ғояси илм-фан, таълим ва интеллектуал салоҳиятни давлат ривожининг асосий устуни сифатида белгилаб берди.

Ҳар қандай тараққий этган жамият, аввало, илм-фанга таянган ҳолда дунёга юз тутди. Илм тараққиёт асоси, олим эса жамиятнинг маънавий ва интеллектуал суяни-чигидир. Янги Ўзбекистондаги ислохотлар жараёнида илм-фанга муносабат тубдан янгиланди. Давлатимиз раҳбари илм-фанга таянган тараққиёт стратегияси марказида айнан илм-фан ва инновациялар турлибди. Бу фақат декларатив баёнот эмас, балки ҳақиқий амалий ҳаракат, давлат сиёсати даражасига кўтарилган етук ёндашув ҳамдир.

XXI аср — юқори технологиялар даври. Бу технологиялар (сунъий интеллект, рақамли технологиялар) жамиятнинг турли соҳаларига шиддат билан кириб бормоқда. Илм-фан ва маърифатга ислохотларни таъминлайдиган стратегик куч сифатида қаралмоқда. Давлатимиз раҳбари президентлик фаолиятининг бошланғич илм аҳлига таянган, уларни жамият ривожига учун асосий сўз эгасига айлантиргани бежиз эмас. Бу ёндашувдаги амалий қадамлар, хусусан, 2016 йил декабрда мамлакат зиялилари билан учрашув Президентимизнинг илм соҳасига чуқур эътиборини, шахсий интилишини яна бир бор тасдиқлади.

Янги Ўзбекистон шароитида илм-фанни ривожлантириш, миллий тараққиётнинг асосий устунига айлантириш бўйича туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунда “олим — янги тафаккур раҳнамоси”, “инновация — ривожланиш ресурси” деган қарашлар оддий ифода бўлибгина қолмай, кундалик давлат бошқаруви, жамият ҳаётидаги қарорлар, институтлар ва дастурларда ўз аксини топаётган ҳақиқатдир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, илм-фан ривожига йўлдаги шарт-шароитлар, изчил ташаббуслар янги Ўзбекистоннинг илмий-маърифий пойдеворини мустаҳкамлаётган ҳал қилувчи омиллардан бирига айланди. Илм — миллий юксалиш ҳаракатидаги бош механизм, олим — замонавий тафаккурнинг ҳақиқий раҳнамоси, инновация эса тараққиётга элтувчи стратегик ресурс сифатида ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ривожланган давлатлар тараққиётининг асосий омилларини кузатар эканмиз, илм-фанга эътиборни давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантирган мамлакатлар бугун глобал тараққиётнинг етакчи кучларига эъришмоқда. Бевосита гувоҳ бўламиз. Масалан, Жанубий Кореяда давлат бюджетининг 4 фоизи рақамли ва инновацион ривожланиш дастурларига йўналтирилган бўлса, Хитойда ҳар йили 2 миллионга яқин олим ва муҳандис илмий лойиҳалар билан шуғулланади.

Давлатимиз раҳбари жамиятнинг рақнақи учун, энг аввало, илм аҳлига суянаётгани бежиз эмас. Зеро, жамиятдаги ислохотлар амалий ва назарий асосларсиз, концептуал ечимларсиз самара бермайди. Илм аҳли эса ана



Саъдулла БАХРОМОВ,
Фанлар академияси
Физика-математика ва техника
бўлими раҳбари-илмий котиби,
физика-математика фанлари
доктори, профессор, академик

шундай ечимларни ишлаб чиқувчи асосий кучдир. Мана шундай фалсафий қараш асосида илм-фанга эҳтиёж, илмий тараққиётни устувор вазифа сифатида белгилашга қатъий ирода мувожаасам.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда илм-фан ва олий таълим соҳасини ислоҳ қилиш борасида мутлақо янги ёндашув шаклланди. **2017 йилда мазкур соҳаларга 340 миллиард сўм ажратилган бўлса,** 2023 йилда бу кўрсаткич **1,2 триллион сўмга,** 2024 йилда эса **1,6 триллион сўмга** етди, яъни **7 йилда бу маблағ 4,7 баробар ўсди.** Айнан шу молиявий таянч эвазига **2023 йилда 500 та,** **2024 йилда эса 620 тадан** орტიқ янги тадқиқот лойиҳаси амалга оширилди. Шу билан бирга, **2023 йилда 3000** ёш тадқиқотчи стипендия ва грантлар билан қўллаб-қувватланган бўлса, **2024 йилда бу кўрсаткич 3700 нафарга** етди.

Инновацион лойиҳалар сони ҳам йилдан йилга ошиб бормоқда: **2020 йилда 28 та** стартап давлат томонидан қўллаб-қувватланган бўлса, **2023 йилда 120 та,** **2024 йилда эса 150 тадан орტიқ** лойиҳа амалга оширилди. Бу илмий тадқиқотларнинг иқтисодий таъсири тобора ортиб бораётганини кўрсатади.

Илмий-тадқиқот муассасалари фаолияти янгиланмоқда, ёш тадқиқотчилар учун стипендия, грант ва инкубация дастурлари орқали аниқ мақсадга қaratилган қўллаб-қувватлов механизми кенгайишмоқда. **2024 йилда 40 та** янги лаборатория ва илмий инкубатор ташкил этилди. Уларнинг аксарияти биотехнология, агроасаноат ва рақамли иқтисодиёт соҳаларида фаолият юритмоқда.

Академик салоҳиятни иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаёт билан боғлаш, энг муҳими, илмий тафаккурни давлат сиёсатига йўналтириш бўйича аниқ ва қатъий қадамлар қўйилмоқда. Бу жараёнда **“илм — инвестиция”, “инновация — миллий маҳсулот”** деган тамойиллар аста-секин амалиётга жорий этилмоқда.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, ушбу жараёнда шахсан давлатимиз раҳбари илмий-техник тараққиётни устувор йўналиш сифатида белгилаб, амалиётга жорий этиш борасида барча даражадаги раҳбарлардан масъулият ва интизом талаб қилмоқда.

Юртимизда илм-маърифатга олдиндан пухта эътибор қаратиб келинган. Бугунги саъй-ҳаракатлар ана шу анъананинг мантикий давоми сифатида келажак тараққиётга қaratилган қатъий интилиш ва мустаҳкам пойдевор бўлмоқда. Шу билан бирга, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, академиклар, етакчи олимлар ҳамда ёш тадқиқотчилар иштирокида ўтказилган қатор учрашувларда ҳам мамлакатимизда илм-фанни жадал ривожлантириш масаласи кенг муҳокама этилди. Хусусан, педагог кадрлар малакасини мунтазам ошириб бориш, уларни табиқалаштирилган ҳолда рағбатлантириш тизимини жорий қилиш ривожланиш учун муҳим омил сифатида эътироф этилди. Шунингдек, магистрлар учун Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтларида стажировка ўтатиш амалиёти жорий этиш, табиий фанлар ва муҳандислик йўналишларида таълим олувчиларни давлат бюртматаси асосида бюджет ҳисобидан тайёрлаш зарурлиги ўз вақтида аниқла-ниб, бу йўналишда изчил ва оқилона сиёсат юритилмоқда.

Умуман олганда, кейинги йилларда илм аҳлига муносабатини тубдан ўзгартириш, олимларнинг ижтимоий ҳолатини яхшилаш, моддий таъминотини кучайтириш асосий вазифа сифатида кўтарилди. Бундай эътибор самараси ўлароқ, бугун Фанлар академияси ва унга қарашли институтлар ҳам модернизация қилинмоқда. Академия муассасаларида **2022 йилда 400 дан** орტიқ замонавий лаборатория жиҳозлари ўрнатилган бўлса, **2024 йилда** улар сони **700 дан** ошиб кетди. Олимлар илмий тадқиқотлардан ташқари сунъий



интеллект, биотехнология, иқлим ўзгариши ва сув ресурсларини бошқариш бўйича янги технологиялар яратиб, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаяпти.

Олий таълим, фан ва инновациялар ва-зирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги қанчадан қанча инноваторлар ва илмий тадқиқотчиларни қашф этмоқда. **2020-2024 йилларда** агентлик кўмағида **1200 дан** зиёд янги инноваторлик лойиҳаси давлат рўйхатидан ўтказилди, **400 га** яқин илмий ихтиро амалиётга жорий этилди. Янгидан янги илмий марказлар, технопарклар ва инкубаторлар очилмоқда. Хусусан, сўнгги **уч йилда** уларнинг сони **25 тадан 67 тага** етди. Ёш тадқиқотчилар учун махсус грант дастурлари йўлга қўйилиб, **2024 йилда 500 дан** орტიқ ёш олим халқаро лабораторияларда тажриба оширди. Олий таълим муассасаларида стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича **100 дан** орტიқ инкубация платформаси фаолият юритмоқда. Шунингдек, талабалар ва изланувчи ёшлар учун халқаро конференциялар, танловлар ва стажировкаларда иштирок этиш

имконияти кенгайишмоқда. **2023 йилда 1200 дан** ортиқ талаба ва тадқиқотчи хориждаги илмий стажировка ҳамда амалиёт дастурларида қатнашди, **2024 йилда** эса бу кўрсаткич **360 нафарга** етди.

Айни пайтда докторантурага квоталарнинг энг юқори қамровига эришганимиз катта ютуқдир. Бундан илм-фанга сарфланаётган маблағнинг ЯИМга нисбатан ўсиш фоизини таъминлаш ҳам муҳим ўрин тутди. Масалан, **2017 йилда** бу кўрсаткич **0,13 фоизни** ташкил этган бўлса, **2023 йилда 0,6 фоизга,** **2024 йилда эса 0,8 фоизга** етказилди. Бироқ натижадорлик ҳам шунга яраша бўлмоғи зарур. Тадқиқотчилар сониини ҳар **1 миллион аҳолига нисбатан 2 мингга** етказиш кўзда тутилаётган бўлса-да, ҳозир бу кўрсаткич **750 нафарни** ташкил этапти. Шу маънода, биз, олимлар бугун ҳар қачонгидан кўпроқ изланишимиз, ишлашимиз талаб этиляпти. Олимларимиз сафини кенгайтириш, инсон капиталини ривожлантиришга ҳисса қўшиш нияти билан яшасаккина, илмий қудратимизни намоён эта оламиз. Олимларимиз дунё миқёсида эътироф этиладиган илмий ишларга муаллиф бўла олиши керак. Ёшларимизнинг мақолалари нуфузли илмий журналларда чоп қилинса, халқаро конференцияларда эътироф этилса, биз, устозларнинг меҳнати кўринади. Бунинг учун барча имконият ишга солиняпти, ҳар йили камда икки-учталаб янги илмий ташкилот ташкил этиляпти. Фақат ёш тадқиқотчи ва олимларни баланд марраларга руҳлантириш олак, бўлгани. 60 йиллик иш тажрибамиздан келиб чиқиб ўзим ҳам шоғирдларимга шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишни бот-бот ўқтираман.

Бугун илм-фан соҳасига берилаётган эътибор мамлакат тараққиётининг ҳақиқий локомоторига айланмоқда. Мамлакатимиздаги янги имкониятлар, илмий муҳитни кенгайтиришга қaratилган ислохотлар нафақат юртимиз олимлари, балки ёшларимиз қалбига ҳам бекиёш ишонч уйғотмоқда. Илм-фан соҳасини устувор даражага олиб чиқиш, давлат сиёсатининг юрагига айлантириш Президентимизнинг интеллектуал етакчилик салоҳияти ва стратегик дидининг ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистондаги ислохотлар “илм ва тафаккурсиз янги жамиятни қуриб бўлмайди” деган қатъий қарашга таянади. Бу фалсафанинг давлатимиз раҳбари томонидан мунтазам такрорланиши ҳамда ҳаётга татбиқ этилиши эса бугунги ва эртанги тараққиётимизнинг асосий қафолтидир. Президентимиз илм аҳлини миллий ривожланишнинг ҳал қилувчи кучи сифатида кўрмоқда, олимларнинг давлат бошқаруви ва стратегик қарорлардаги иштирокини муттасил кенгайтириб бормоқда.

Шундай экан, илм-фан соҳасига онд сиёсатни янада тақомиллаштириш, натижадорликни ошириш ва олимлар салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш борасида кўйидаги муҳим ҳулоасаларни келтириш жоиз:

Биринчидан, илмий салоҳиятни ривожлантиришга қaratилган давлат инвестицияларини ЯИМнинг камиди 1,5-2 фоизи даражасида босқичма-босқич ошириш зарур;

Иккинчидан, ҳар 1 миллион аҳолига тўғри келадиган тадқиқотчилар сониини 2030 йилгача 2000 нафарга етказиш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилиши лозим;

Учинчидан, ёшларни илмий фаолиятга жалб қилишда рағбатни кучайтириш, уларнинг илмий мақолалари халқаро илмий журналларда чоп этилишини институционал қўллаб-қувватлаш зарур;

Тўртинчидан, илм-фан натижаларини иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш тармоқлари билан узвий боғлаш механизминини тубдан қайта қўриб чиқиш вақти келди;

Бешинчидан, мамлакатимиздаги илмий марказларни глобал илмий миқёсда рақобатдош ҳолатга келтириш ҳамда рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни амалиётга кенг жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир ютуқ, ҳар бир натижа ортида катта меҳнат ва узвий сиёсий ирода бор. Бу ирода Президентимиз шахсиятида мувожаасам. Илм-фанга миллий тикланиш, интеллектуал тараққиёт ва дунё билан тенглашишнинг энг асосий омил сифатида қараш айнан давлат раҳбари юриятининг сиёсатининг бош мезони эканини унутмаслигимиз лозим.

Юксалиш палласи



Жиззах вилоятида аҳолининг ярмидан зиёди — ёшлар. Шу боис, инсон кадрини улуғлашга қaratилган ислохотларнинг барчаси бевосита улар ҳаёти билан боғлиқ. Президентимизнинг жорий йил 14 февралдаги “Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида вилоятнинг туман ва шаҳарларида 65 та лойиҳани молиялаштириш учун 5 миллиард 566 миллион сўм ажратилди. Ҳар қандай муаммо ечими маблағ билан боғлиқлиги боис, бу сармоя ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

— Жорий йилнинг ўтган олти ойида 24 минг 26 йигит-қизнинг бандлигини таъминлашга эришдик, — дейди вилоят ёшлар ишлари бошқармаси бошлиғи Муродбек Раҳмонбердиев. — Жумладан, 1707 ёш доимий иш ўринларида жойлаштирилди. Яна 2432 нафарга 46 миллиард 750 миллион сўмлик кредит ажратилди. Шунингдек, 1120 нафари касб-хунарга ўқитилди, 19 минг 430 нафари ўзини ўзи банд қилди. Қолаверса, миграциядан қайтган 1000 нафардан кўпроқ йигит-қизга вилоятда иш топиб бериш чорасини кўриляпти. Ҳозир

улардан 366 нафари доимий ишга жойлаштирилди.

Президентимизнинг 2024 йил 5 апрелдаги “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан манзилли ишлар қилинмоқда. Жумладан, вилоят бўйича 6978 ёшга 5170 гектар ер ажратилган. Шунингдек, уларга агротехник воситалар ҳамда уруғ ва кўчат учун субсидия берилмоқда.

Ёшларга шариот яратиш тушунчаси жуда кенг. У ҳаётнинг барча соҳасини қамраб олади. Чунки бирорта жаҳонга ёшларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Демак, кундалик ҳаётимиздаги масалаларнинг кўпи бевосита навқирон авлодга боғлиқ.

Фақат ер ажратиш эмас, барча йўналишда ёшларга доир масалалар ечимига алоҳида



эътибор қаратилмоқда. 2025 йилнинг дастлабки чорағида ҳудуддаги “Ёшлар дафтари” туман (шаҳар) жағмарларида 5 миллиард 436 миллион сўм ва вилоят жағмарларида 127 миллион сўм шакллантирилди. Дастлабки ярим йилликда “Ёшлар дафтари”га киритилган 3463 йигит-қиздан 1534 нафари (44 фоизи) га амалий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, 20 нафари иш билан таъминланди, яна шунча ёшга меҳнат қуролини сотиб олиши учун субсидия берилди, 22 нафар бўлажак тадбиркорга кредит ажратилди. Бундан ташқари, яна кўплаб ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий масалалари

амалий ҳал этилди. Кимнингдир ўқув шартнома пули тўлаб берилди, бошқасига тиббий ва психологик ёрдам кўрсатилди.

Камбағалликни қисқартириш борасида ҳам ана шундай яхши гаплар айтиш мумкин. Масалан, вилоятнинг энг олак ҳудуди — Янгибод туманида “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамияти кўплаб ёшларни ишли қилган.

— Сартарошлик қўлимдан келади, бироқ замонавий ускуналар сотиб олишга қўрбим етмай турган эди, — дейди Отабек Шукуров. — Туманимизга бириктирилган ҳомий қорхона сартарошхона очилиш учун зарур жиҳозларни олиб берди. Энди ишим, даромадим бор. Қолганини ўзим уудалаб, халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш орқали кўрсатилган ёрдам учун раҳматини изҳор этмоқчиман.

Ҳа, жиззахлик ёшлар бундай яхши ўғарилар кўп. Аммо бундан барча иш “ёш” экан деган ҳулоса чиқмайди. Шу ўринда ёшлар билан ишланиш янада яхшилаш билан боғлиқ айрим тақлиф ва мулоҳазаларни билдириш лозим. Масалан, мактабни битирганларнинг ҳаммаси ҳам олий ўқув юртида ўқиниш давом эттирмаслиги, иш жойига эга эмаслиги маълум. Ўқимайдиган, ишламайдиган, ҳуллас, ҳаётда ўз ўрнини топиб олурмаганлар ҳамма жойда учрайди. Аслида, йигит-қизлар тарбиясидаги муаммо ҳам ана шу “уюлмаган ёшлар” билан

боғлиқ. Турли бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб, нотўғри йўللарга кириб қолаётганларнинг аксарияти бекорчи ёшлардир.

— Президентимиз топшириғига мувофиқ, вилоятимизда оғир тоифага қирадиган 2000 дан зиёд ёш аниқланди ҳамда республика вилоят, туман, шаҳар миқёсидаги 184 та идора ва ташкилот раҳбарларига бириктирилди, — дейди Муродбек Раҳмонбердиев. — Жумладан, оғир тоифага киритилган ишсиз ёшлардан 14 нафари ҳудудий электр тармоқлари акциядорлик жамияти бошқаруви раисига, 19 нафари вилоят ҳокими, ўринбосарлари, бошқарма бошлиқлари, туман, шаҳар ҳокимларига номма-ном бириктирилди. Ушбу ёшлар билан манзилли ишлаш мақсадида масъуллар “Йўл хариталари” ишлаб чиқди. Режа асосида учрашувлар ташкил этилиб, ёшлар муаммолари ўрганилмоқда. Хусусан, ўтган ярим йилда 310 нафари йигит-қиз иш билан таъминланди. Бундан ташқари, алоҳида тоифадаги 2537 ёшни ҳуқуқ-тартибот ва мудоффа органларининг масъуллари оғлалиққа олди. Ҳозир уларнинг ҳолати манзилли ўрганиляпти.

Бу йўналишда кўриляётган чора-тадбирлар қанчалик пухта ва изчил амалга оширилмасин, масала тўла ечим топмайди. Чунки ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Ҳадемай бу йил мактабни тамомлаб, ўқиниш олий таълимда давом эттира олмаган ёшлар меҳнат бозорига кириб келади. Жорий йил бошида ўтказилган хатловда аниқланган 11 минг 912 ишсиз ва меҳнат бозорига кириб келадиган битирувчилар бандлигини таъминлаш мақсадида тегишли идоралар ҳамкорлигида “фуқаробай” маҳалла — сектор — туман кесимида ёшлар бандлик дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Шу орқали кредит, субсидия ва ер ажратиш, касб-хуна ҳамда тадбиркорликка ўқитиш орқали ёшлар бандлиги таъминланади.

Умуман олганда, янги Ўзбекистондаги ислохотлар бошқалардан кўра кўпроқ эътибор қаратиш зарур бўлган қатлам — ёшлар ҳаётида ҳам ўз аксини топишмоқда.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Низомиддин МАҲМУДОВ,
ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори, филология фанлари доктори, профессор

Туркий сўз мулкининг султони, мўтабар мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг “Сўз айлади инсонни жудо ҳайвондин, билки гуҳари шарифроқ йўқ ондин” тарзидаги ҳикмати бор. Унда сўзнинг, тилининг одам боласини бошқа жонотлардан тамоман фарқли рутбага ноил қилишдай беҳад буюқ қудрат эканидан иборат мутлақ ҳақиқат ўзининг рост ва расо тажассумини топган. Бу мутлақо беназир неъматнинг адоқсиз ва муҳташам қудратларидан яна бири шуки, у одамларни ягона қавм ўлароқ бирлаштириб, миллат деган тансиқ тушунчанинг таваллудига чироқ тутган, халқ дейиладиган муаззам бирликнинг бутунлигига замин бўлган. Шунинг учун ҳам тил, миллат, халқ тушунчаларини ҳеч бир замонда бир-биридан айро ҳолда асло тасаввур қилиб бўлмайди.

турмуши ва унинг инсонлигини белгилловчи маънавий тириклиги учун сўз (яъни тил) шунчалик зарурдир”.

Жамият ҳаётидаги ҳар қандай ўзгариш ва янгиланишлар табиий равишда, энг аввало, тилининг луғат бойлигида аниқ аксини топади. Айни шу маънода тил “ҳар қандай кишилик жамоаси ижтимоий ҳаётининг энг аниқ ва сезгир барометри” деб ҳам баҳоланади. Дунёга таниқли олмон адаби Херман Хессенинг “Сўзлар тилининг умуртқаси ва бирламчи унсурларидир”, деган ўткир образли гапида ҳам катта илмий ҳақиқат бор. Шунинг учун ҳам тилининг тириклиги ва тозаллиги ҳақида сўз борганда, энг аввало, айни шу сўзлар, яъни тилининг лексик сатҳи, луғат бойлиги назарда тутилади. Зотан, одамнинг олами билишида, ҳар қандай ашё ва тушунчаларни инкишоф қилишида бирламчи восита сўзлардир. Машҳур фаранг адаби Анатоль Франсининг “Луғат алифбо тартибидagi бутун оламдир”, деган гапи бу маънода жуда ҳам топиб айтилганини таъкидлаш жоиз.

Бундан ўн-ўн беш йиллар илгари “National Geographic” жамияти томонидан ташкил этилган экспедиция Ҳиндистонда аввал фанга маълум бўлмаган коро тилини аниқлади ва бу тили дунёдаги 6909-тил сифатида қайд этди. Ер юзидagi ани шундай катта миқдордаги тиллар орасида бирорта ҳам мутлақо соф тил йўқ. Ҳамма замонда бир тилдан бошқасига муайян миқдорда сўз ўтиб турган. Бу жараёнларнинг мўътадил меъёр доирасида бўлишига табиий ҳолат сифатида қаралган, меъёрдан ортиб кетиши эса бегона тил сўз боқсини остида қолган жамиятнинг ҳаётига ни оғиритирган. Шунинг учун ҳам маданият, ли, маърифатли жамиятнинг ҳеч бир онгли азсоси бундай жараёнларга асло бефарқ қараган эмас.

Мамлакатимизда сўнгги етти-саккиз йилда Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги жадал ривожга такомил борасида бениҳоя кўламли ва самарадор ишлар бажарилиди ва бажарилмоқда. Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида таъкидланганидек, “Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир”. Президентимизнинг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда Ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган 2020-2030 йилларда Ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясида “илмий асосланган янги сўз ва атамалар мунтазам равишда расмий муомалага киритиб борилиши” алоҳида қайд этилган.

Яқинда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссияси ана шундай илмий асосланган янги сўз ва атамаларнинг бир туркумини (40 та бирлик) кўриб чиқиб, уларни

жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинган. Атамалар комиссияси экспертлар гуруҳи томонидан мазкур сўз ва атамаларни расмий

янада аниқ ва қабарик ифодалайди. Бунинг устига Ўзбек тилининг сўз ясалиши қўнийларига тўлиқ мувофиқ келади. Чунки Ўзбек тилида *иш* + *танламас*, *овқат* + *танламас*, *жой* + *танламас* каби ясалиш моделлари мавжуд, янги ясалган сўзнинг мавжуд миллий рангига ҳеч бир путур етмайди. Тасдиқланган янги сўзлар орасидаги аффиксация ва композиция усули билан ясалганлари ҳам Ўзбек тилининг фаол меъёрларидан ташқарида эмас.

Аванс хоржий ўзлашма атамаси ўрнига тасдиқланган росмана Ўзбекча, аммо бир қадар эскироқ туюладиган бўнак сўзи ҳам тегишли маънони бемалол ифодалайди. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бўнак сўзининг учта маъноси кўрсатилган, хусусан, биринчи икки маъноси “тарихий” деган изоҳ билан берилган. Учинчи маъноси эса “бухгалтерияга, ҳисоб-китобга оид термин” изоҳи билан қуйидагича келтирилган: “Маош ҳисобидан ой охирида ҳисоб-китоб қилиш шарти билан олдиндан бериладиган пул; аванс”.

Тасдиқланган янги сўзлар орасида *парол* сўзига муқобил сифатида ўрон сўзи берилган бўлиб, бу сўз айнан “махфий шартли сўз ёки белги” маъносида қадимги ёки тарихий манбаларда анча кенг қўлланган. Тарихий мавзудаги бадний асарларда бугун ҳам ёзувчилар бу сўзга мурожаат қиладди.

Илмий асосланган янги сўз ва атамаларни тилимизга олиб кириш, Ўзбекчадаги чет сўзлардан қутулиш учун Ўзбек тилининг ички имкониятидан келиб чиқиб зарур. Бунинг учун Ўзбек тилининг қўнийларига мувофиқ янги Ўзбекча сўзлар ясаш, у ёки бу сабабга кўра истеъмолдан чиққан қадимги ва эски туркий сўзларни тиклаш, халқ шеваларида сўз олиш энг мақбул йўлдир.

Адабий тилимиз ривожига атамаларгагина боғлиқ эмас. Одатдаги сўз бойлигимиз

Ўзбек тили қоида ва меъёрлари асосида шакллантирилган ҳамда расмий муомалага киритиладиган янги сўз ва атамалар рўйхати

Т/р	Чет тилларга оид сўз ва атамалар	Уларнинг маъноси	Расмий муомалага киритиладиган шакли	Амалдаги қўнийлик ҳужжатларида қўлланиши
1.	Аванс	Француз тилидан ўзлашган сўз бўлиб, “олдиндан тўлов”, “жисмоний ёки юридик шахс томонидан бошқасига келгусида тўланадиган ҳақ ҳисобидан олдиндан бериладиган пул миқдори” деган маънони билдиради.	Бўнак	“Аванс” ва “бўнак” атамалари қўнийлик ҳужжатларида, расмий иш юритишда ҳамда жонли мулоқотда баробар қўлланоқда. “Бўнак” атамаси Ўзбекча муқобил сифатида тушунчанинг маъносини ифодалайди ҳамда атаманинг ягона шаклда қўлланишига олиб келади.
2.	Автопилот	Юнон ва француз тилларидадан ўзлашган сўз бирикмаси. Турли транспорт воситаларини инсон аралашувисиз автоматик бошқариш тизими маъносида қўлланилади.	Автобошқарув	“Автопилот” атамаси тегишли соҳалар, жонли мулоқотда ҳамда қўнийлик ҳужжатларида қўлланоқда. “Автобошқарув” атамаси Ўзбекча муқобил сифатида тушунчанинг маъносини ифодалайди. Ҳозирда турли луғатлар, ОАВ, расмий сайтлар, ижтимоий тармоқларда ишлатиб келиноқда.
3.	Айсберг	Немис тилидан ўзлашган сўз бўлиб, океан ва денгизларда эркин сузиб юрувчи катта муз бўлаги — “музтоғ” дегани.	Музтоғ	“Айсберг” ва “музтоғ” атамалари дарслик, қўлланмаларда, фирма ва товар номи сифатида қўлланган. Бундан ташқари, луғатларда ўзаро синоним сифатида берилиб, ОАВ, расмий сайтлар, ижтимоий тармоқларда фойдаланилмоқда. “Музтоғ” атамаси Ўзбекча муқобил сифатида тушунчанинг маъносини ифодалайди.
4.	Бодикамера	Инглиз тилидан ўзлашган сўз бўлиб, “тана камераси” маъносида келади.	Ёнкамера	“Бодикамера” атамаси тегишли соҳалар, жонли мулоқотда ҳамда қўнийлик ҳужжатларида қўлланоқда. “Ёнкамера” атамаси Ўзбекча муқобил сифатида тушунчанинг маъносини ифодалайди. Ҳозирда турли луғатлар, ОАВ, расмий сайтлар, ижтимоий тармоқларда ишлатиб келиноқда.

Ўзбек тили қоида ва меъёрлари асосида шакллантирилган ҳамда расмий муомалага киритиладиган янги сўз ва атамаларнинг тўлиқ рўйхати билан танишиш учун мазкур QR-кодни сканер қилинг



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилимайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-846.
34788 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Беккул Эгамқулов
Мусаҳҳих: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқини — 23:14
Тошпирилди — 23:40

Қабулхона: (71) 233-56-33
Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98
E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz; (71) 233-47-05